

КУ'ЧИРИЛАЁТГАН АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОЙ МАВҚЕИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА УЛАРНИ ДИНИЙ ТАРКИБИ ҲАМДА МИЛЛИЙ ЭТНИК ҲАЁТИ

Абдурахимов Хуснидин Садриддин оғли

Шароф Рашидов Номидаги Самарқанд Давлат Унветстети 2-Курс
Магистранти

Аннотатсия: Мазкур мақолада кўчирилган аҳолининг миллий этник ва диний таркиби ҳамда ижтимоий ҳолат, Туркистонга аҳолиси, Туркистонга кўчишга даъват этганликлари ҳақида маълумотлар келтирилади.

Калит Сузлар: Россия, Туркистон, Авлиёота, генерал губернатор, Молокан.

Annotation: This article provides information about the national ethnic and religious composition and social status of the displaced population, the people of Turkestan, and their motivation to move to Turkestan.

Key Words: Russia, Turkestan, Avliyoota, Governor General, Molokan.

Аннотация: В данной статье представлены сведения о национальном этническом и религиозном составе и социальном статусе перемещенного населения, жителей Туркестана, их мотивациях к переселению в Туркестан.

Ключевые Слова: Россия, Туркестан, Авлюота, генерал-губернатор, молокане.

КИРИШ

Россия империясининг кўчириш сиёсати туфайли Туркистон ўлкасига келиб жойлашган аҳоли ўзининг тили, дини, урф одати, кундалик турмуш ва хўжалик анъаналари билан маҳаллий халқлардан кескин фарқ қилар эди.

Умуман олганда, Туркистон минтақасига кўчирилган аҳолини бир неча гуруҳга ажратиш мумкин. Уларнинг асосий қисми Россия империяси губерняларида истиқомат қилган деҳқонлар (рус мужиклари ва уларнинг оилалари дисс.) бўлиб, улар янги жойларга ўрнашиб қолгунга қадар ертўла, қамишкапа, палаткаларда яшаганликлари ҳақида манбаларда маълумотлар келтирилади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Манбаларда Россия империяси губерняларидан Туркистон ўлкасига кўчирилган аҳолининг миллий таркиби ҳақида ҳам фикр юритилиб, улар рус, украин, белорус, поляк, яҳудийлар, Туркия ва

Эронда таъқибга учраган арманлар, Шарқий Туркистондаги дунган, уйғур ва таранчилар эканлиги кўрсатиб ўтилган. Насроний эътиқодидида бўлганлар, асосан, православ оқимидан эканлиги, кўчиришда ҳукумат бундайларга алоҳида эътибор қаратганлигига мақолаларда урғу берилган. 1870 йиллардан 1917 йилларга қадар Туркистон минтақасига, асосан, Каспийорти, Сирдарё, Фарғона, Самарқанд вилоятларига аҳолини кўчириш давом этиб, кўчирилганлар сафига Биринчи жаҳон уруши айрим асирлари (поляк, немис, австрияликлар, венгер, румин, турк ва ҳоказо, салкам 200 минг нафар-дисс.) ҳам келиб қўшилган. Кўчирилган аҳоли миллий таркиби ҳақида фикр билдирилган экан, 1874-1876 йилларда Авлиёота уездидаги русийзабон аҳоли қишлоқларидан Қораболта ва Чордеворга, Тошкент уездидаги бир қатор янги ташкил топган посёлкаларга эстон, латиш, литваликлар ҳам кўчирилганлар. Улар урф одати, тили, турмуш тарзи, диний мазҳаби, меҳнатга муносабати билан славянлардан тубдан фарқ қилишган. Болтиқбўйиликлар насронийликнинг католик, протестант, стравер оқимларидан бўлишган. Уларнинг ўлкага кўчиши 1885 йилларгача давом этган, якка тартибда кўчишлари эса 1917 - йилгача мавжуд бўлган.

XIX асрнинг 60-70 йилларида Туркистонга аҳоли асосан Астрахань, Сибирь, Ярославль, Харьков, Владимир, Днепропетровск, Воронеж, Оренбург ва Самара, айрим маълумотларга кўра 31 та Россия губерняларидан кўчирилди. Кейинчалик, яъни 1886 йилдан сўнг кўлида ўтиш гувоҳномаси бўлмаганлар ҳам ўз ихтиёрларича Туркистон генерал-губернаторлиги вилоятларига кўчиб ўтдилар. Улар Туркистон вилоятларида русийзабон аҳоли қишлоқлари (селениялари) ва ўнлаб посёлкаларини ташкил этдилар. Туркистонга кўчирилган аҳолининг миллий таркиби юқорида таъкидланганидек, турли туман бўлиб, рус, украин (хохол), белорус, поляклар билан бирга молдован, чўқинтирилган татарлар, шунингдек, улар орасида немис миллати вакиллари ҳам бор эди. Немис миллати вакиллариининг Туркистон ўлкасига кўчиб ўтиши асосан XIX асрнинг 70 йиллари бошларига тўғри келади. Ушбу тадқиқотда минтақага XIX аср 70-90 йилларида кўчиб ўтган меннонит-немислар ҳақида "Туркистон тўплами" ва архив ҳужжатлари қиёсий таҳлили орқали фикр юритиш мақсади ҳам кўзланганди. Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига кирган Еттисув, Каспийорти, Фарғона, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларига немис-меннонитлари лютеран, ареан диний мазҳабидаги кишилар билан бирга кўчиб ўтганлар. Меннонит-немисларнинг тарихига назар

солинса, XVI асрнинг 30- йилларида Нидерландиядаги ислохотлар даврида уларнинг дастлабки жамоалари нузулга келиб, бу диний мазхаб бошида рухоний Менно Симонс (1496-1561) турган. Меннонитларда имкон қадар бошқа диний жамоалар билан алоқа қилмай алоҳида яшаш, ўзгалар билан иш юзасидангина мулоқотга киришиш, жамоада бир бирлари билан биродар бўлиб меҳнатга, касбга жиддий муносабатда бўлиш, илм ва савод чиқаришга интилиш, деҳқончилик қилиб кун кўриш, харбий хизмат ва ҳукуматни бошқариш ишларида мутлақо қатнашмаслик, беғаразлик ва ахлоқ қонун қоидаларига қатъий риоя этиш, қўшнилари билан тинч тотув, мураса мадора қилиб яшаш кабилар етакчилик қилган. Таъқиб ва тазйиқлар туфайли улар Нидерландиядан Шимолий Германия, Польша ва Пруссияга кўчиб ўтишган. XIX асрнинг 60 йилларида меннонит-немислар Пруссиядан Россия империясига ҳукуматнинг сиёсий тазйиқлари таъсирида қочиб келганлар. XIX аср охирида немис меннонитлари империяда "Биродар меннонитлар" ташкилотини тузишди. Немис меннонитларининг Туркистонда пайдо бўлиши 1881-1882 йилларга тўғри келиб, улар, асосан Россия империясининг Саратов ва Самара губерняларидан бўлишган. Улар Урта Осиёни тинч, осойишта меҳнат қилиб тўқ фаровон яшашга қулай ҳудуд деб ҳисобладилар. Меннонитларнинг Туркистонга иккинчи оқими 1890-1892 йилларда Волга бўйидаги қурғоқчилик ва очарчилик туфайли рўй бериб, Тошкентдан 30 километр узоқ масофада жойлашган Константиновская (Тоболино) қишлоғида 100 оилали немис-меннонитларининг Гнаденталь-Владимировка, Гнаденфельд-Андреевка, Кенпенталь Романовка каби немисча ва русча номланадиган аҳоли пунктлари вужудга келди. Сирдарё, Каспийорти, Фарғона вилоятлари ва Хива хонлиги, Бухоро амирлиги ҳудудида ҳам немис-меннонитлари истиқомат қилиб, ўзларининг жамоаларини ташкил этганлиги, уларнинг турмуш-тарзида, урф одатларида ўзига хос миллий жиҳатлар сақланганлиги кузатилади. Русийзабон қишлоқлари аҳолиси учун немис меннонитларининг турмуш тарзи намуна бўлган¹ Немис менионитлари билан бирга Молоканлар ҳам ўлкага кўчирилганлар. Молоканлар християн динидаги оқимлардан бири бўлиб, Худони ҳақиқат тимсоли сифатида тан олади, икона ва крестларга ишонмайди, муқаддас жойларни зиёрат қилишга қарши, чўчка гўшти ва спиртли ичимликлар истеъмол қилиш гуноҳ, тамаки чекиш ва наркотик моддалар истеъмол қилишдан ҳазар қилиш керак, деб ҳисоблайди. "Христианлик" луғатида ушбу оқим XVIII асрнинг 60-70 йилларида, "Россиянинг ҳозирги диний

ҳаёти" номли китобда (2003) XVII XVIII асрларда вужудга келган, деб маълумотлар берилди. Молоканларнинг "Солица" (яъни "Қуёш") номли журнали мавжуд бўлган. Уларни протестант оқим вакиллари ҳам деб ҳисоблашган. Россия империясида уларни "зарарли яра" деб аташ 1805 йил 22 июлда Александр I нинг барча мазҳабдагиларга эркинлик бериш билан боғлиқ махсус буйруғи чиққунга қадар давом этган. Улар сув ва сутга чўқинган. Молоканлар Туркистонга асосан империянинг Кавказ губернялардан кўчиб келишган. Молоканлар оз сонли бўлсада, Туркистон иқтисодий, маънавий маърифий ҳаётида ўзига хос ўрин қолдиришган. Улар ҳақида кенгроқ маълумотлар беришни ўринли деб ҳисобладик. Молоканларнинг Туркистон ўлкаси бўйлаб кўчиши немис-меннонитлари билан бир даврга тўғри келган. 1881 йилда 24 та оила немис-меннонитлари Тошкент яқинидаги Қоплонбек қишлоғида жойлашганида, уларга қўшни бўлган, Кавказдан кўчиб келган 50 та оила Молоканлар ҳам бор эди.

Молоканлар немис-меннонитлари сингари раҳбарият билан ҳарбий мажбурият ва эркинлик, ҳуқуқ талаб қилиш мақсадида тўқнашувларга боришган. Дашт чўлда кўчирилган аҳоли посёлкалари ташкил этилганида 53 десятина ерга 40 та оила Молоканлар бориб жойлашган. Улар бир оз пул, чорва моллари, лемехли плуглари, ишчи хайвонлари (от, хўкиз) билан кўчганлиги туфайли ўз хўжалиklarини тезда йўлга кўйишган, Молоканлар қишлоғида 40 нафар ўқувчи таълим оладиган мактаб, аҳоли ибодат қиладиган ва чўкинадиган черковлар бўлган. Айниқса, улар орасида 12 та оила бадавлат бўлиб, бой оилаларнинг кўрғонлари, мевали боғлари, сабзавот ва полизиэкинларининг майдони, бедазорлари бўлган. Молоканлар Шазбек қишлоғи қирғизларидан 1906 йилда 10 йил муддатга (1916 йилгача-дисс.) 300 десятина ернинг ҳар бир десятинасига йилига 6-7 рублдан ижара ҳақи тўлаш шarti билан ижарага ер олишган. 1906-1909 йилларда ҳар бир десятина ердан ўртача 5070 пуд буғдой олинган. Бироқ бу ерлар 1910 йилда Молоканлар ҳарбий мажбурият солиғини тўлашдан бош тортганлиги учун ҳукумат томонидан тортиб олинган. Молоканлар ўз қонуний ҳуқуқларини талаб қилиб, ушбу ерларнинг 10 йилга ижарага олингани ҳақида ариза ва шикоятлар билан ҳукуматга мурожаат қилишган. Уларнинг мурожаатлари ижобий хал этилмагач, Молоканлар Еттисув вилояти Пишпек уездига кўчиб кетишган. Уларнинг 35 нафари Дашт чўлда яшаб қолган холос.

НАТИЖАЛАР

Академик В.В. Бартольд Дашт чўлдаги 6 та посёлкада (Черняевка, Константиновский, Кауфманский, Верхневолинский, Конногвардейский, Нижневолинский-дисс.) немис-меннонитлари Молоканлар бошқа диндагилар билан ёнма ён яшаганлигини қайд этадиб.

Манбаларда Каспийорти вилоятида 1889-1896 йилларда 10 та русийзабон аҳоли (поселениеси) манзилгоҳлари ташкил этилган, Ғармот тумани Тажан ва Сарахс жанубий шарқида Масальский, Саратовский (поселение) манзилгоҳлари ташкил этилиб, уларда 450 нафар немис- меннонитлари ва Молоканлар жойлашган. Молоканлар асосан Кавказдан кўчиб келган бўлиб, улар деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланганлар.

Молоканлар ўзлари билан бирга ўлкага майин жунли қўйларни олиб келишган". Молоканлар буғдой, арпа, тарик, сули каби донли экинлар экиш билан бирга, боғдорчилик, узумчилик, қорамолчилик ва кўйчилик, овчилик, ҳатто гулчилик билан шуғулландилар. Улар замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси (плуг, ўг ўрадиган машина, женеяка, веялка) ни 1897-1906 йилларда Масальский, Саратовский посёлкаларида биринчи бўлиб жорий этдилар. "Туркистон тўплами"да Молоканларнинг обод посёлкалари ҳақида маълумотлар келтирилади, 1894 йилда Ашхабоддан 25 чақирим узоқликда, туркманларнинг Аннау дарёси, Аннау овулига яқин жойда 14 та баптист ва 6 та Молокан Курапакино қишлоғига асос солишган. Ушбу қишлоқда дастлаб 20 та оила яшаган бўлса, кейинчалик Карс, Кубань, Ставрополь, Тамбов, Херсон, Самара губерняларидан кўчиб келганлар 83 та хонадонга етган, уларни ягона сектантга мансублик бирлаштирган. Баптист ва Молоканлар посёлкасида 40 кв чақирим майдонда ток кўчатлари плантацияси, ҳар бир хўжаликда 2 десятинадан суғориладиган ер, 3 минг десятина чорва боқиш яйлови бўлган. Молоканларда сутчилик хўжалиги ташкил этилган. Уларнинг 200 тача соғиладиган сигирлари бўлиб, ўз товарларини Ашхабод бозорига олиб чиқишган ва асосан харбий гарнизонларга сотишган. Улар қоракўлчилик соҳасида ҳам сезиларли ютуқларни қўлга киритишган. Отчилик хўжалиги ташкил этиб, Ашхабоднинг зотдор отлари билан ўзларининг отларини чатиштириб, янги от зотларига асос солишган. Мевали боғлар, узум плантациялари яратишди, гулларнинг янги навлари: сирень, роза, жасмин парваришлаб, бозорга олиб чиқишди. Молоканлар виночилик, паррандачилик каби соҳаларда ҳам бозорбоп маҳсулотлар чиқаришди. Бор йўғи 7 оила яшаган Коморовск (поселение) турар

жойида 2 та Молокан, 5 та проваслав хонадони бор эди. Улар дончилик, узумчилик, виночилик билан шуғулланишган. Кримдан келтирилган янги узум навларини тарқатишда Молоканларнинг хизмати катта бўлди. Молоканлар Сирдарё вилояти Чимкент уездидаги Алексеевка посёлкасида ҳам истикомат қилганлар. Улар 1907 йилда Ереван (Арманистон)дан 57 та оила бўлиб кўчиб келишган. Манбаларда кўчирилган молоканларнинг меҳнатсевар, тартиб интизомли, тадбиркор, аҳил, ўз хўжалигини ақл билан бошқарадиган саводли кишилар эканлиги таъкидланган". Молоканлар пахтачилик, гуруч, суғорма деҳқончилиكنинг бошка соҳаларида ҳам ўз омадларини синаб кўрдилар. Бирок уларда қўй эчки, корамол, парранда парваришlash кутилган натижани берди. Боғдорчиликда эса узумчилик ва гулчиликда намунали хўжаликни йўлга кўя олдилар. Бироқ рус, украин, белорус проваславларига нисбатан бошқа диний конфессия (бошқа динга эътиқод қилувчилар) дагилар ва поляк, немис, яҳудий, қалмик, молдивинлар кўчганларнинг бор йўғи 10 дан 1 қисмини ташкил этарди. 1906 йилда Сирдарё, Фарғона, Самарқанд ва Каспий орти вилоятлари турли қишлоқ ва поселение (манзилгоҳ)ларда истиқомат қилган 1071 та кўчирилганлар оиласининг миллий таркиби ўрганилганида қуйидагича рақамлар аниқлангани фикримизни исботлайди: 1071 та оиладан 995 та оила славянлар, 23 та оила поляклар, 51 та оила немислар, 2 та оила арманлар салмоғига тўғри келган. Ушбу оилалар 16 йил, 12-16 йил, 8-12 йил, 48 йил, 4 йил давомида ўлкада яшаб келган бўлиб, 16 йилдан буён Туркистонда яшаганлар 90 та оилани ташкил этса, 4 йил давомида (1902-1906 йиллар дисс) истиқомат қила бошлаганлар 523 та оила, 4-8 йил давомида яшай бошлаганлар 372 та оила эди¹⁵. Юқоридаги рақамлар ўлкага русийзабон аҳолининг кўчиб келиши доимий ўсиб борганлигидан далолат беради. Давлат режаси асосида кўчиб келганлар ўзлари учун ажратилган 10 десятина ернинг 1-1,5 десятинасига яшаш учун уй-жой (хата, усадьба) барпо этишган. Тарихий манбаларда русийзабон аҳоли посёлкаларида ҳар бир оилада уй-жой атрофи тўр сим ва ғишт билан ўралганлиги қайд этилган. Яшаш бинолари олдида махсус ўтиргичлар (скамейкалар), гулзор, мевали ва манзарали дарахтлардан иборат бог, майдони 5-7 сажень (1 сажень 2,16 метр) ли ховли жойи, озиқ овкат сакланадиган омбор (склад), чорва моллари боқиладиган бостирма (сарой), сабзавот ва полиз экинлари экиладиган ер майдони бўлганлиги қайд этилади.⁵⁰ Бундай хонадонлар тартиб интизомли, бир жойда 15-20 йиллар давомида муқим яшаб қолган

намунали оилалар ҳисобланган. Бу каби хонадонлар манзилгоҳида ҳар бир 18-20 оила учун аҳолини барча озиқ овқат турлари билан таъминлаб турадиган дўкон, бозор майдони, "нон биржаси", қишлоқ бошқарув идораси, черков, мактаб кабилар бўлган. Матбуотда ўзига тўқ ва бой хўжалик бўлишга улгурган деҳқон хўжаликлари қавм қариндошлари, узоқ губернялардаги қўшнилари ва таниш билишларини Туркистонга кўчишга даъват этганликлари ҳақида маълумотлар келтирилади. Уларнинг Россия турли губернясидагиларга йўллаган мактубларида ўлканинг мўътадил об ҳавоси, соз, унумдор тупроғи, экин экиб ҳосил олишдаги қулайликлар баён қилинган. Айни пайтда Туркистонга кўчганларни "ўз ерига мустаҳкам ўрнашганлар", "ўз ихтиёри билан кўчиб келиб, қўним топмаганлар", шунингдек, "яшаш жойини ўзгартириб, доимий кўчиб юрувчилар" гуруҳларига ажратиш орқали, кейинги иккинчи тоифадагиларнинг чидам, ирода, журъати етарли эмаслиги қайд этилади. Даврий матбуотда муттасил кўчиб юрувчилар камбағаллашиб борганлиги, уларнинг асосий қисми ўз асл губерняларига қайтиб кетганлиги салбий ҳолат сифатида баҳоланади. Русийзабон аҳоли посёлкаларида деҳқонларнинг моддий аҳволи яхшиланиб бориши ортидан "жамоа нон магазинлари" га, "умумий дон омборлари"га (500 минг пудгача дон сақланадиган дисс.) тегирмонларга, мовут тўқийдиган ҳунармандчилик дўконлари кабиларга асос солинган. Ҳатто, айримлар фарзандлари келажагини ййлаб, улар учун хусусий ўқитувчилар ҳам ёллаганлар.

Манбалардан Сирдарё, Каспийорти, Фаргона, Самарқанд вилоятларидаги уездларда жойлашган намунали русийзабон аҳоли қишлоклари ва посёлкаларидаги деҳқонлар ҳаёти ҳақида бой маълумотлар олиш мумкин. Сирдарё вилоятининг Авлиёота уездида жойлашган Покровский, Димитровка, Александровка қишлокларида аҳоли тўқ фаровон, халқ соғлом, уйлар атрофи дарахтзорлар билан қуршаб олинган, черков ва мактаблари бор, тўй томошалар қилишади, қудачилик ва ўғил уйлантиришларда қизларни четдан қидиришмайди, 52 деб ёзилган "Туркистон тўплами"да. Кўчирилган аҳолининг маънавий маърифий эҳтиёжларини қондириш мақсадида улар жойлашган қишлоқ ва посёлкаларда мактаб, билим юрти ва бошқа ўқув муассасалари қуриш зарурати вужудга келган эди. Манбаларда "яхши мактаб", "яхши таълим", "яхши йўл", "яхши муқаддас ота", "яхши черков" каби атамалар кўплаб учрайди. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кўчирилганларнинг манзилгоҳларида мактаблар уч хил йўл билан, яъни давлат йўли билан, қишлоқ ёхуд посёлка жамоаси маблағига ёки

айрим моддий жиҳатдан кудратли бўлган шахслар томонидан (хусусий мактаблар) қурилган. Давлат мактаблари "Деҳқончилик ва ер ишлари вазирлиги", Кўчириш бошқармаси, Туркистон партияси ҳамда Земство маблағлари ҳисобидан қурилиб, уларнинг атрофи темир панжара билан ўралган ва синфлари ёруғ бўлган. Бундай мактаблар биноси асосан пишган ғишдан эди. Ҳукумат қурган мактаблар давлатга қарашли ерда бўлса, жамоа мактаблари ва хусусий ўқув юртлари асосан ижарага олинган биноларда жойлашган. Сирдарё вилояти, Тошкент уездига қарашли Казанский, Мишенский қишлоқ мактаблари, Фарғона вилояти Уш уездидаги 1 ва 2-Благовещенский қишлоқ мактаблари ҳукумат маблағига қурилган. Сирдарё вилояти, Авлиёота уезди ва Тошкент уездидаги 5 та немис меннонит қишлоқларидаги мактабларнинг барчаси қишлоқ жамоаси маблағи ҳисобига қурилган бўлиб, мактабдаги ўқув парталари, стол стуллар немис меннонитларининг ҳунармандлари томонидан ясалган. Немис меннонитларининг болалари мактабда "Худо қонунлари" (диний сабоқ), немис тили, арифметика, география, рус тили каби фанларни ўқишган. Улар асосан бошланғич таълим асосларини эгаллаш билан бирга, ҳунармандчилик, деҳқончилик, чорвачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик, полизчилик машғулоти билан шуғулланишни катталар тажрибасидан ўрганишган. Немис меннонитларига ўқув кўлланмалар ва газеталар АҚШдаги немис меннонитлари оркали юбориб турилган. Ўлкага ташриф буюрган зиёлиларнинг ёзишича, немис меннонитлари катта ёшлилари орасида саводсизлар бўлмаган. Дашт чўлда ташкил этилган русийзабон аҳоли қишлоқларида 1906-1910 йилларда Россия халқ маорифи вазирлиги маблағлари ҳисобига ўртача 500 рублдан пул маблағлари сарфланиб, жами 3709 рублга 7-8 та мактаб қурилган. Ушбу мактабларда, асосан, Тошкент ўқитувчилар семинариясида таҳсил олган ўқитувчилар сабоқ бериб, улар бир ойда ўртача 37 рубль маош олишган.⁵⁶ Авлиёота уезди қишлоқларида 1887 йилда кўчирилганларнинг қишлоқларида аҳоли маорифи учун 8.041 рубль сарфланган, Димитровка қишлоғида биргина мактаб қурилишига 3.904 рубль харажат қилинган. Бошқа вилоятларга нисбатан Сирдарё вилоятида мактаб, черков, фельдшерлик пункти, дорихона (аптека) билан боғлиқ ишлар нисбатан намунали йўлга қўйилган. Маълумотлардан бирида "Сирдарё вилоятида 47 та русийзабон аҳоли қишлоғи мавжуд бўлиб, уларда 16 минг нафар аҳоли (1906 йил-дисс.) яшарди. Ушбу қишлоқларнинг барчасида мактаблар мавжуд бўлган, 4 та қишлоқда черков бунёд этилган, 2 та қишлоқда ғишдан черков

қурилмоқда, черковларга яқин бўлган жойларда яшашга ҳаракат қилишган. Айрим оилалар ўта диндор бўлганлиги туфайли черковлари бор кишлоклар ёхул улар яқинига кўчиб ўтганлар. Улар чекка кишлоклардаги "зерикарли хаёт дан хам узоқлашиш мақсадида ўз яшаш жойларини ўзгартиришган. Манбаларда қайд этилишича, Степанов оиласи черковдан узоқ бўлганлиги учун ўз кишлоғидан кўчиб кетган. Сретенскийга кўчиб келган 3 та оила аввалдан яшаган қишлоқда юқумли касалик тарқалгани ва черковга яқин бўлиш учун Авлиёотага кўчиб ўтди. Авлиёота уездидаги бир қатор кишлоклар; масалан. Шапановский (30 чақирим), Лучово (35 чақирим), Подгорное (50 чақирим), Стемное (60 чақирим) кабилар черковдан узоқда, уларнинг аҳолиси диний эhtiёжларини кондириш учун от ва аравада узок йўл босишларига тўғри келади Кўчирилган аҳолига черков хизматларини кўрсатиш тадбирлари ҳукумат диққат-этиборида бўлган. 1904 йилда Санкт-Петербургда Давлат статс секретари А. Кулозмин раислигида бу борада махсус кенгаш ўтказилди. Ушбу кенгашда русийзабон аҳоли поселение (манзилгоҳ) ларида мактаб, диний мактаб, черков куришни кенгайтиришга йўналтирилган масала кўтарилган эди. Бу борадаги камчиликлар кенгашда кескин мунозарага сабаб бўлиб, рухонийлар чекка қишлоқлардаги намозхона ва черковларга боришни ишташмаётганлиги, диний маросимлар, яъни гўдакларни чўқинтириш ишлари ойлаб қолиб кетаётганлиги таъкидланган. Маҳаллий епархия комитетларини тузиш, кўчма диний хизматларни жорий этишга кўрсатма берилган. 1908 йилда 12 та қишлоқда кўчма диний хизмат ташкил этилиб, унга 2000 рубль сарфланган. 1909 йилда 3 та қишлоқда шу ҳолат такрорланиб, 92 та диний намозхона ташкил этилган. Туркистон ўлкасида 1909 йилда 27 та черков биноси қурилиб, уларни бунёд этишда шахсий ва жамоат ташаббуси муҳим роль ўйнаган. Россия империяси Муқаддас синод ва маориф вазирлиги 1909 йилдан кўчирилганлар учун ҳар йили билим юрти қуришга 500-700 рубль, диний мактаблар куриига 2000 рубль ажратган, 1908-1910 йилларда ўлкада 18 та черков мактаби бўлган.

Черков, намозхона ва диний маориф муассасаларини куриш учун Россия империяси 7 та епархиясида 1910 йилда қуйидагича миқдорда маблағлар ажратилади;

1-жадвал

№ Муассасалар
Ажратилган маблағ миқдори

1	Оренбург епархияси	89.300 рубль
2	Тобольский епархияси	228. 100 рубль
3	Омск епархияси	111.000 рубль
4	Томский епархияси	145. 220 рубль
5	Иркутский епархияси	65.460 рубль
6	Забайкал епархияси	6.000 рубль
7	Туркистон епархияси	176.312 рубль
	Жами:	821.392 рубль 50 коп.

Ушбу жадвалдаги рўйхатдан кўриниб турибдики, Туркистон епархияси томонидан диний эҳтиёжлар учун ажратилган маблағ Тобольский епархияси ажратган суммадан кейин иккинчи ўринни эгаллаган. Россия империяси ҳукумати кўчирилган аҳолининг диний эҳтиёжларини қондириш, маиший хизматни йўлга қўйиш, қишлоқлардаги оилаларнинг минтақада мустақкам ўрнашиб қолишлари учун барча тегишли чораларни кўрган.

ХУЛОСА

Туркистон минтақаси русийзабон аҳоли қишлоқ ва посёлкалари учун диний билим юртлари, ўқитувчилар семинариясини битирган мутахассислар

юборилар экан, уларга моддий-маънавий шарт-шароитлар яратишнинг аниқ меъёрлари белгиланган. Мактаб ўқитувчиларининг бир йиллик маоши 1500 рубль бўлиб, уларга 500 рубль миқдорида озик овқат пули, кийим кечак учун 250 рубль, шунингдек, ижара пули ҳам берилган. Мактабларга ҳукумат ҳар йили ўртача ўқув куроллари учун 100 рубль, хунармандчиликка ихтисослашган инвентарлар учун 300 рубль, мактаб биносини таъмирлаш учун 800 рубль, черков таъминоти учун 300 рубль ажратган. Ўқитувчи мактаб биносидаги алоҳида хонада ёки ижарада яшаган, унга ҳар йили 500 рубль квартира ҳақи ҳам тўланган.

Русийзабон посёлкаларидаги аҳолининг соғлиғини сақлаш мақсадида қишлоқ врачлик пунктлари, фельдшерлик хизмати ва дорихоналар ташкил этиш ҳам йўлга қўйилган. Тиббий бинолар ёғоч будка, сомон сувоқ уй ҳамда кичик баракларда жойлашган. Фельдшерлик пунктларининг айримлари ижарага олинган биноларда фаолият юритган. Врачнинг бир йиллик маоши 2400 рублни ташкил этиб, қатнаб ишлайдиган фельдшер 720 рубль, доимий ишлайдиган фельдшер 600 рубль маош олган. Битта фельдшерлик пунктига ўртача

1500 рублдан 2000 рублгача харажат қилинган. Жумладан, Дашт чўлда ташкил этилган Спасский посёлкасидаги фельдшерлик пунктининг йиллик харажати 1640 рублни ташкил этиб, ушбу маблағнинг 720 рубли фельдшерга, 120 рубли ижарага олинган бино учун, 300 рубли қоровул учун, 200 рубли иситиш ва хонани ёритиш учун сарфланган.

Амбулатория ва фельдшерлик пунктига янгидан ташкил этилган русийзабон қишлоғидан қатнаган беморларнинг қатъий рўйхати юритилиб, уларнинг касаллик тарихи билан боғлиқ маълумотлар қайд этиб борилган. Юқоридаги саҳифаларда кўрсатилган Спасский посёлкасида фельдшерлик пунктида қабул қилинган беморлар сони 1910 йилнинг 8 ойида (январь-август-дисс.) 366, 372, 365, 404, 504, 329, 204, 234 киши каби рақамларда қайд этилган. Фельдшер пунктларида тиббий мутахассис ходимларга ёрдам бериш учун ёз ойларида тиббиёт олийгоҳларининг талабалари сафарбар этилган.

Хуллас, даврий матбуотда босилган мақолалардан Туркистонга кўчирилган аҳолининг кундалик маиший ҳаёти, маънавий ахлокий ҳолати, маҳаллий халқ билан муносабатларига қаратилган кўплаб маълумотлар олиш мумкин. Кўчирилганлар учун зарур бўлган уй жой, савдо шохобчалари, мактаб, черков, тиббий хизмат кўрсатиш кабилар барча кишлоқ ва посёлкаларда талаб даражасида бўлмаган. Олис қишлоқларга етказувчи транспорт йўллариининг мавжуд эмаслиги ёхуд мавжудлари ҳам абгор ҳолдалиги, айрим русийзабон аҳоли манзилгоҳларида мактаб, черков йўклиги, мавжуд мактаб ҳамда черковларда ўқитувчи ва руҳонийлар етишмаслиги, ўқиш ҳамда диний эҳтиёжлар учун аҳолининг бир қисми шаҳар, уезд марказларига қатнаб турганлигини манбалардаги маълумотлар тасдиқлайди. Кўчирилган русийзабон аҳолиси билан маҳаллий халқлар: қирғизлар (манбаларда қозоклар шундай аталган дисс.) қорақирғизлар (қирғизлар), ўзбеклар ўртасида муносабатлар доимо силлиқ кечмаганлиги, ер ва сув масаласида тўқнашувлар бўлиб турганлиги, уларнинг келиб чиқиши сабаблари муаллифлар томонидан турлича талқин этилади. Айрим мақола ва хабарларнинг муаллифлари ўзаро зиддиятлар, келишмовчиликлар, тўқнашувлар сабабларини имкон қадар холисона баҳолашга ҳаракат қилганликлари ушбу манбаларнинг бир қадар аҳамиятли ҳамда ишончли

эканлигидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтганда, Туркистонга кўчирилган аҳолининг ижтимоий таркиби турли хил бўлган. Жумладан, уларнинг тили, дини ҳамда этник таркиби турли хил бўлган. Яна шунини айтиш жоизки, мазкур

этник гуруҳларнинг Туркистонга кўчиш жараёни маълум даврлар оралиғида юз берган ва бунга бир қанча омиллар таъсир кўрсатган. Хусусан, 1870 йилларда Туркистонга асосан Россия империясининг марказий ҳудудлардан аҳоли кўчиб келган бўлса, 1900 йилларда империянинг ғарбий қисмидан бўлган деҳқонлар кўчиб келиши кучайган.

Кўчириб келтирилган аҳолига ўзларининг тили ва дини сақлаб қолиш мақсадида мактаблар ва диний идора муассасалар курилади бошланди. Бундан ташқари, янги ташкил топган аҳоли манзилгоҳларида тиббиёт муассасалари ҳам вужудга келди. Мазкур бинолар ва уларнинг фаолияти асосан давлат маблағлари асосида курилган ҳамда фаолият юритган.

ФҲЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:

- 2 Положение об управление Туркестанским краем 1886 г. – СПб., 1886. – С. 4.
- 3 Гинс Г.К. Основныя начала проекта водного закона для Туркестана. – СПб.: Типогр. Ф.Вайсберга и П.Гершунина, 1912. –С.3.
- 4 Шипов А. Хлопчатобумажная промышленность и важност ее значения для России // Стат. сборник. Отд.2.- М., 1858. – 50 с.; Соболев Л.Н. Географическая и статическая сведения о Зеравшанском округе с приложением списка населенных мест округа // Зап. Рус. Геогр. Общ-ва. Отд. Статистики. Т. IV/ - СПб., 1874. -561. С.; Терентиев М.А. Англия и Россия в Средней Азии. – СПб., 1875. – 195 с.; Терентиев М.А. Англия.